*Ижтимоий ҳимоя*

# ФУҚАРОЛИКНИ ТАРБИЯЛАШ МАРКАЗИДА

***Ҳар қандай иллатга барҳам бермоқ учун аввало унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш керак. Диққат билан кузатсангиз одамларнинг баъзиларида лоқайдлик, сусткашлик, эътиборсизлик, журъатсизлик каби сифатлар кўзга ташланмоқда. Бу эса охир-оқибатда одамларда ўз имкониятларига ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади.***

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув тамойиллари республикамиз мустақиллиги йилларидагина қарор топди. Ушбу жараён фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлай бошлади. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари ана шу ҳаракатнинг ўзига хос кўринишларидир. Булар қаторида «Фуқароликни тарбиялаш маркази» ташкил этилгани ижтимоий фаолликнинг янги йўналишини белгилаб берди.

– Икки йилдирки, Самарқандда «Фуқароликни тарбиялаш маркази» фаолият кўрсатиб, «Катта ёшлиларни ўқитиш» лойиҳаси амалга оширилмоқда, – дейди Самарқанд «Фуқароликни тарбиялаш маркази» нодавлат, нотижорат ташкилоти директори Саодат Хуррамова. – Мазкур марказни ташкил этишдан мақсад фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий маданиятини ошириш, ҳуқуқий билимларини бойитишдир. Чунки фуқаролик масъулияти ва аҳлоқий хислатлари юқори бўлган шахсни шакллантирмай туриб,ҳуқуқий демократик давлат қуриб бўлмайди. Шунинг учун марказ олдида семинарлар, давра суҳбатлари орқали одамларнинг онгини ўзгартириш, фикрлаш тарзини янгилаш, Ватан олдидаги ўз масъулиятини англашга ўргатиш вазифаси қўйилган. Бу йўналишдаги тадбирлар асосан маҳаллаларда ўтказилиб, яхши самара бермоқда.

Марказ томонидан ўтган йили маҳалла йиғинлари раислари учун малака ошириш курслари ташкил этилди. Ўқув жараёнларида 100 нафар маҳалла оқсоқоллари қатнашди. Улар фуқаролик жамияти, демократия, ҳуқуқ ва иқтисод, тижоратнинг долзарб масалалари бўйича ўз билимларини мустаҳкамладилар. Марказда малака оширган маҳалла раисларининг фаолиятида сезиларли ўзгариш бўлганини эндиликда кўпчилик таъкидламоқда. Шунинг натижасида Самарқанд шаҳрида маҳалла оқсоқоллари уюшмаси ташкил бўлди. Бу жамоат ташкилотининг таъсисчиларидан бири «Фуқароликни тарбиялаш маркази»дир.

Фуқаролик масъулияти ва фаоллигини ошириш одамларга илғор мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаёти, демократия тамойиллари, ҳуқуқий асосларини таништириш билан уйғун олиб борилиши керак. Шунинг учун Марказ бир қанча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Масалан, IREX халқаро ташкилотининг Интернетга эркин кириш маркази билан бирга битим тузилган. Шу туфайли кўпгина ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, ёшлар компьютер, интернет электрон почтасидан фойдаланишни текин ўрганишди.

Бундан ташқари халқаро АКСЕЛС ташкилоти, Самарқанд вилоят жамоатчилик ресурс маркази жамғармаси, хотин-қизлар нодавлат-нотижорат ташкилотлари уюшмаси, вилоят меҳнат ва ижтимоий таъминот бошқармаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Вилоят «Фуқароликни тарбиялаш маркази» ташкилоти аъзолари эндиликда халқаро ва минтақавий анжуманларда долзарб муаммолар бўйича маърузалар билан қатнашмоқда.

Марказ томонидан шу йил бошида «Маҳалла негизида катта ёшлиларни ўқитиш» дастури ишлаб чиқилди. Бу лойиҳани Халқ университетлари немис уюшмаси қўллаб-қувватлади. Уни амалга ошириш бўйича Халқаро ҳамкорлик институти билан шартнома тузилди. Лойиҳанинг мақсади ишсизликни камайтириш, аҳолининг турмушини яхшилашдир. Шунга кўра одамларнинг касб-ҳунарга ўргатишга бўлган талаби, аҳолининг маиший хизматларга эҳтиёжи ўрганилди. Натижада фуқароларни телерадиоускуна усталари, сартарошлик, этикдўзлик, дурадгорлик йўналишлари бўйича ўқитиш йўлга қўйилди. Тадбирлар самара берди. «Севали» ва 4-«Йўнғичқа ариқ» маҳаллаларидан анчагина ишсиз кишилар касб-ҳунар ўрганишди. Марказ уларни иш билан таъминлаш чораларини ҳам кўрмоқда.

Қисқагина қилиб айтганда, фуқароларда жамият ҳаётида иштирок этиш, мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиш, турмушини ўз меҳнати билан яхшилаш эҳтиёжини шакллантириш муҳим бўлиб қолди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Касаба уюшма Марказий қўмиталарида*

# ИШОНЧ — ОРЗУГА ҚАНОТ

Касаба уюшмаларига ишонч кучли бўлган ерда иш ҳам соз кетади. Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳам ана шундай ташкилотлар сирасига киради, дейиш мумкин. Айни пайтда мазкур қўмита «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Бошгидромет», «Давлат авиа назорати» каби соҳаларнинг 30дан зиёд корхоналари ва бўлинмаларини ўзида бирлаштириб турибди. Марказий қўмита ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўртасида 2002-2003 йиллар учун тузилган тармоқ тариф шартномалари кўзланган мақсадларга эришишда алоҳида ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда эса 2004-2005 йиллар учун ана шундай шартнома лойиҳасини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Марказий қўмита ва «Бошгидромет» ўртасида эса 2003-2005 йилларга мўлжалланган янги тармоқ шартномаси тузилди. У Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг экспертизасидан ўтди ҳамда Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигида рўйхатга олинди.

Жамоа шартномалари билан қамраш авиаходимлар касаба уюшма Марказий қўмитаси бўйича 100 фоизни ташкил этди. Ҳамма жамоа шартномалари Марказий қўмитада экспертизадан ўтади ва улар рўйхатга олинади. Жамоа шартномаларини бажариш учун ўрта ҳисобда бир кишига сарфланган маблағ 2001 йилда 167 минг сўмни, 2002 йилда 247 минг сўмни ташкил этган бўлса, буни 2001 йилга нисбатан 152 фоиз ўсиш деб қабул қилмоқ лозим.

Бу йил Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бирлаштирувчи корхона ва муассасаларда ишловчи ходимларнинг 1653 нафар фарзандлари болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдилар. Орол бўйи минтақасидаги болаларга йўлланмалар бепул, қолганларга эса 20 фоиз нархларда берилди.

Қабул қилинган жамоа шартномалари ва келишувларда меҳнатни муҳофаза этиш учун керакли маблағ ажратилди. Миллий авиакомпанияда ишда зарар кўрганлар учун эса энг кам иш ҳақидан зиёд коэффициентларга қўшимча коэффицентлар белгиланди:

Марказий қўмита ҳар йили меҳнатни муҳофаза қилган вакилларнинг танловини ўтказиб туради. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун жорий йилда 400 минг сўм ажратилди.

Авиаходимлар меҳнат таътилларига чиққанларида ойлик маошининг 0,5 миқдорида бир йўла моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдоридан оз бўлмаслиги керак.

Мактаб талабалари таътил пайтида экологик нохуш минтақалардан, хусусан, Орол бўйидан болалар соғломлаштириш масканларига МАК самолётларида бепул олиб келинади. Жорий йилда Нукус ва Урганч аэропортлари ходимларининг фарзандлари «Гулистон» ва «Конструктор» болалар ёзги оромгоҳида шу тариқа дам олдилар.

Бизда ишламаётган пенсионерлар нафақаларига қўшимчалар белгиланган. Ўтган давр мобайнида яна шундай кишиларга 155 миллион сўм тўланди. 276 нафар пенсионерларга эса МАК 4 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатди.

Келишувлар, шартномаларнинг бажарилиши доим марказий қўмита назоратида туради. Масалан, Ҳайъатнинг яқинда бўлиб ўтган мажлисида шу масалаларнинг адо этилиши муҳокама қилинди. Хулосалар ўтган вақт мобайнида «Бошгидромет»да тармоқ келишувлари қоидалари ва меҳнат қонунчилигига мос равишда олиб борилган. Бу дегани ишга қабул қилишда амалдаги қонунларга сўзсиз риоя этилади, меҳнатга ҳақ тўлаш меҳнат кодексларидан четга чиқмайди, ойлик мукофотлар «Бошгидромет» ходимларини мукофотлаш қоидаларига мос тарзда тўланади, демакдир. Бунда тармоқ келишувлари, жамоа шартномалари; иш вақтидан ташқари қилинган меҳнат, физик-жўғрофий шароитлар, ноқулай муҳитлар ва бошқалар алоҳида эътиборга олинади. Хусусан «Бошгидромет»нинг соғлиққа зарар келтирувчи участкаларида ишловчилар учун махсус кийим-бошлар, пойабзаллар, шахсий ҳимоя воситалари, парҳез таомлар ва устама ҳақ тўлашлар диққат эътиборда туради. Ушбу тадбирлар - меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига 26 миллион сўм сарфланди. Бироқ, баъзан маблағларнинг етишмаслиги тармоқ келишувларининг тўлиқ адо этиш имконини бермади. Устига устак «Гидрометприбор» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида ойлик иш ҳақидан қарздорлик пайдо бўлди. У 6 миллион сўмга яқин маблағни ташкил этди. Аммо у аста-секин камайтириб борилмоқда.

Бироқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКда тармоқ тарзида келишувлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш, имтиёзлар яратиш, товон пуллари тўлаш кўнгилдагидек бормоқда. Жойлардан келган таклифлар, тармоқ тариф келишувларига тўлдиришлар киритиш белгиланган вақт мобайнида кўриб чиқилмоқда ва улар бўйича қўшма қарорлар қабул қилинмоқда. Шундай қилиб 2003 йил бошидан буён меҳнатга ҳақ тўлаш ўртача 1,3 марта оширилди. Қўшимча ҳақ тўлашлар 20 фоиз кўпайди. Шунингдек, шахсий қўшимчалар борасидаги маошларга ижобий йўналиш берилди.

2003 йилнинг июлидан бошлаб ёшларнинг никоҳ тўйларига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш жорий этилди. Янги самолётларни ўзлаштириш, соҳада ишлайдиганлар ва пенсионерлар учун имтиёзли билетлар бериш каби тадбирлар ҳаммани мамнун қилмоқда.

Авиаходимлар ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида турли мавзуларда ҳар доим учрашувлар ва танловлар ўтказилиб келинмоқда. Марказий қўмита маънавият ва маърифат ишларига ҳам катта эътибор бермоқда. Масалан, жорий йилда корхоналарда раҳбарият ва касаба уюшмалари билан биргаликда «Халқимиз урф-одатлари», «Маърифий ва маънавий етук авиаходимлар» кўрик-танловлари уюштирилди. Ғолибларга 445 минг сўмлик совғалар топширилди. «Обод маҳалла йили» муносабати билан эса тасарруфдаги корхоналар ва касаба уюшмалари ёрдам тариқасида 4,79 миллион сўм маблағ ажратдилар. Кам таъминланган оилалар фарзандларига 2,8 миллион сўмлик болалар ёзги оромгоҳларига бепул йўлланмалар берилди.

Марказий қўмитада бирдамлик жамғармаси ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Жорий йилда ишчи-ходимлар соғлиғини сақлаш ва бошқа тадбирлар учун 6 миллион сўм ажратди. Авиаходимлар фарзандлари ўртасида маданий, маърифий, спорт ишларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Улар ўртасида, масалан, рассомлар ва бадиий ҳаваскорларнинг ижодий кўрик-танловлари ўтказилди. Ғолибларга 554 минг сўмлик тухфалар ҳадя этилди.

Гапни мухтасар қилиб, шуни айтиш мумкинки, тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларининг бажарилиши Марказий қўмитанинг доимий назоратида бўлмоқда.

**Абдунаби АБДУВАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси ўринбосари.**
**Раҳимберди УМАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# МАҲАЛЛАДА ВРАЧЛИК ПУНКТИ

***Мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш тури босқичма-босқич жорий этилмоқда. Янгийўл шаҳар марказий шифохонасида тиббий хизматнинг бу тури йўлга қўйилганига бир йилдан ошди.***

- Шаҳримизда 520 ўринли бешта стационар ва тўртта поликлиника фаолият юритмоқда, - дейди марказий шифохона бош шифокори ўринбосари Қобулжон Тожибоев. - Яқинда шаҳар чеккасидаги «Нодирабегим» маҳалласида олти минг кишига хизмат кўрсатувчи врачлик пункти ҳам ишга туширилди. Ўтган тўққиз ой давомида кўрсатилган тиббий хизматнинг 50 фоизи қўшни ҳудудлардан келган беморлар ҳиссасига тўғри келди.

Тиббиёт соҳасида пуллик хизмат тизими кўпгина ривожланган мамлакатлар тажрибасида синаб кўрилган ва ижобий натижа берган. Бундан кўзланган мақсад тиббий хизмат сифатини яхшилаш, шифокорлар малакасини ошириш, даволаш муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашдан иборат. Йил давомида шаҳар аҳолисига йигирма икки миллион сўмлик хизмат кўрсатилди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида бир қатор корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Уларда ишчи-хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, аниқланган касалликларни даволаш белгиланган.

- Бу соҳада муаммолар ҳам йўқ эмас,- дейди Қобилжон Тожибоев. - Муассасаларимизда замонавий тиббий жиҳозлар етишмайди. Бу эса ишимизни бироз қийинлаштирмоқда. Автотранспорт ва хўжалик ишларида маблағ етишмаслиги ҳам ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки пул тўлаб даволанаётган бемор ҳаммаси рисоладагидек бўлишини хоҳлайди.

Бу йил таъмирлаш ишларига саккиз миллион сўм сарфланди. Лекин шунга қарамай, баъзи шифо масканлари таъмирталаблигича қолмоқда. Келгусида пуллик хизмат турини янада такомиллаштириб, тушган маблағни ана шундай муаммоларни ҳал қилиш учун сарфлаймиз.

**(ЎзА)**



Тошлоқ тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси тасарруфида 367 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Бу ердаги сартарошхона, суратхона, радио-телевизор таъмирлаш, пойабзал тикиш, чеварлик устахоналари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, туман маркази ва чекка қишлоқларда 25 та ана шундай шохобчалар ўз фаолиятини бошлади.

***Суратда: тикувчи Ш.Маҳмудова.***

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

*Ўз касбининг фидойилари*

# ЭНГ НАМУНАЛИ участка давлат солиқ инспектори

***Солиқлар – давлатимизнинг иқтисодий таянчи. Шу боис, мамлакатимиз хазинасини бойитиш, тушумларни ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Айниқса, ушбу масъулиятли вазифани бажаришда солиқ хизмати ходимлари тутган ўрни муҳимдир.***

Ургут тумани давлат солиқ инспекцияси ходими Маликахон Шаропова ҳам ўз касбининг фидойиси. У ушбу соҳага 1996 йил ҳисоб-таҳлил статистика бўлими оддий инспекторлигига ишга қабул қилинди. Тизимда амалга оширилаётган ишлар, солиқ қонунчилиги ва унинг ижроси борасидаги билимларини мустаҳкамлаб борди. Шу билан баробарида топшириқларни ўз вақтида уддалаб, вазифасига масъулият билан ёндошди. Аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигини тарғибот-ташвиқот қилиш, маҳалла фаоллари билан доимий ҳамкорлиги боис уни 2001 йилдан участка солиқ инспектори вазифасига тайинлашди.

Участка инпектори ўзига бириктирилган ҳудудда маҳаллий солиқ тўловчилар ҳисобини тўғри ва тўлиқ юритиш, ҳисобланган суммаларни давлат хазинасига муддатида ундириш, мулк шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш каби вазифаларни бажариб келди. Айниқса, солиқдан бўйин товлаш, яширин цехлар, хуфёна иқтисодиёт ва иккиламчи бухгалтериядаги қонунбузарликларни фош этишда жонбозлик кўрсатиб келаётир.

Маликахон участкаси ҳудудида 2300 хўжалик истиқомат қилади. Айни пайтда улардан 1897 нафарини солиқ тўловчилар ташкил этади. 418 нафар якка тартибда тадбиркор фаолият юритади. Шу билан бирга 200 дан ошиқ фуқаролар эса солиқ тўлашда имтиёзга эга. Участка солиқ инспектори аввало, ишни маҳалла фаоллари билан ҳамкорлик қилишдан бошлади. Оқсоқоллар, кекса отахонлар кўмагига таяниб иш кўрди. Аёл боши билан маҳаллий солиқларни йиғишда бир кунда ҳатто 10-15 километр масофани босиб ўтар, қишлоқларда хонадонма-хонадон кириб чиқиб, турли характердаги инсонлар билан мулоқотда бўлди.

Баъзан, оиласига кеч қайтган кезлари турмуш ўртоғи унинг ишидан бироз норози бўлар эди. Маликахон шундай бўлсада ўз касбини ўзгартириш ҳақида ўйламади. Ишни ҳам, оила ташвишларини ҳам уддалади. Олтиной исмли қизчасини тарбиялашга ҳам вақт топди. Айни пайтда Маликахонни кўпчилик маҳалла аҳли ҳурмат қилади. У билан мулоқотда бўлганлар маҳаллий солиқларни кечиктирмасдан, ҳаттоки кеч кириб қолган бўлсада хонадонига бориб тўлашга ҳаракат қилишади.

Саъй-ҳаракатлари бесамар кетмади. Маҳаллий солиқлар, хусусан мулк солиғидан 2 миллион 515 минг сўм, ер солиғидан 4 миллион 46 минг сўм май ойидаёқ давлат хазинасига ундириб олинишини таъминлади. Вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган «Энг намунали участка давлат солиқ инспектори» танловида Маликахон Шаропова 2-ўринни эгаллаб, фахрий ёрлиқ ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**Ҳикматиллоҳ ҚОДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**



***Суратда: Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Рустам Қўчқоров Маликахон Шароповага фахрий ёрлиқ топшираётган пайт.***

*Масала кўндаланг қўйилади*

# БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ

Нефт ва газ – мамлакат иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи. Хўш Қашқадарё вилоятида ўта муҳим ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланилаяптими?

Қашқадарё вилоятида мамлакатда тайёрланаётган табиий газнинг асосий қисми ишлаб чиқарилади. Кейинги пайтда вилоят уй-жой коммунал хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Аҳоли хонадонларини газлаштириш даражаси қарийб 70 фоизга ўсди. Янги тармоқлар фойдаланишга топширилди. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда дадил қадамлар қўйилди.

Қарши шаҳрида бебаҳо бойлигимиздан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган амалий чора-тадбирлар кўрилди. Шаҳардаги кўп қаватли уйлар ва якка тартибдаги хонадонларга газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатиш жадаллик билан олиб борилаяпти. Ҳозирга қадар «Ватанпарвар», «Чўлқувар» уй-жой мулкдорлари ширкатларига қарашли кўп қаватли уйларга 1474 та, «Маҳаллот» ва «Рогузар» маҳаллаларидаги якка тартибдаги қурилган хонадонларда 787 дона газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилди.

Вилоят марказидаги «Лочин», «Бўстон», «Қалдирғоч» ширкатлари, Бузрукобод, Қиличбек, Қўрғонча, Беклар, Янги турмуш, Аралоаул маҳаллалари хонадонларига газ ва сув ўлчаш асбоблари қўйиш ниҳоясига етмоқда.

«Қаршишаҳаргазтаъминот» идорасидан маълум қилишларича, йил охирига қадар ширкатлар бўйича 7598 та, маҳаллаларда 6243 та, ҳаммаси бўлиб 18531 та газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилади. Келгуси йил эса ширкатларда 9791 дона, якка тартибдаги уйларга 7554 дона газ ҳисоблаш ускуналари қўйиш режалаштирилган. Ҳисоблаш ускунаси табиий газ ва аҳоли маблағини тежаш имконини бермоқда. Шаҳарда тажрибали мутахассислар ва пайвандчилардан ташкил топган тўққизта бригада ишлаб турибди.

Илгарилари бир йил давомида фойдаланилган газ учун 30-35 минг сўм пул тўлардик, - дейди Маҳсумобод маҳалласида яшовчи фуқаро М.Олимов. – Газ ҳисоблагич ўрнатилгач сарфланадиган маблағ тенг ярмига камайди.

– Газ беминнат ёқилғи, айни пайтда мамлакатимизнинг катта бойлиги, - дейди Қарлиқхона маҳалласи фуқароси Н.Раҳматов. – «Зангори олов»ни тежаб-тергаб ишлатиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига бир йилдан ошди. Лекин айрим истеъмолчилар, тадбиркорлар томонидан газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш, қимматли ёнилғидан ноқонуний ишлатиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Айрим истеъмолчилар табиий газдан уялмай-нетмай текин фойдаланиб келмоқдалар. Шаҳардаги 130-кўчма механизациялашган жамланма, «Промэнергия» корхонаси, Қарши керамзит-шағал заводи, 16-автомобил парки, «Қарши такси» идораси, «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти, Қарши агросаноат очиқ ҳиссадорлик жамияти, Қарши саноат корхоналари комбинати, «Қашқадарётранс» бирлашмаси, Пармалаш ишлари очиқ ҳиссадорлик жамияти катта миқдордаги газдан фойдаланиб, ханузгача ҳақини тўламаганига ҳайрон қоласан киши.

Вилоят туманларида ҳам аҳвол яхши эмас. Миришкор тумани марказида яшовчи Ғайрат Имомов ва Иброҳим Файзиевлар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, сомсахона қуришган. Аммо табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, давлатга катта зарар етказишган.

Нишон туманининг Нуристон қўрғонида яшовчи Чоршанби Умаров ва Абдуғани Маҳкамовлар ўзларининг умумий овқатланиш шохобчаларида мутасадди идорадан рухсат олмасдан «зангори олов»дан фойдаланиб юришибди. Янги Нишон шаҳри Ойбек номли кўчада жойлашган новвойхона мудири Ўрал Элмуродов «текини яхши» қабилида тандир қизитмоқда.

Табиий газдан фойдаланиш асбоб-ускуналарининг талон-торож қилинаётганлигини айтмайсизми? «Бешкентгаз» корхонаси омбор мудири Қобил Боқиев 65424 сўмлик «корбид», «электрод» каби материалларни ўзлаштирган бўлса, «Нишонгаз» таъминот филиалининг омбор мудири Н.Мадатов 12511 килограм, бошқача айганда, 1 миллион 376 минг 210 сўмлик темир қувурларни ўзбошимчалик билан бировга бериб юборган. Юртимиз бой. Бироқ бу моддий ресурсларни бўлар-бўлмасга сарфлаш мумкин, дегани эмас.

Газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатиш ва уларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш давлат учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам фойдали. Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган ускуналардан фойдаланилса ойига 30-35 фоиз газ иқтисод қилинади ҳамда истеъмолчиларнинг кўплаб маблағлари тежаб қолинади. Шундай экан, бу муҳим ишда қатъий тартиб ўрнатиш даркор.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# САЙЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқарув идораларига сайлов давом этмоқда.

- Қорақалпоғистонда 321 овул ва маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд, - дейди «Маҳалла» жамғармасининг республика бўлими раиси Ўринбой Мадиёров. - Сайловни юқори савияда ташкил этиш, аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни кунларда фуқаролар орасидан сайланган вакиллар йиғин раиси ва маслаҳатчилар учун овоз бермоқда.

Бўлиб ўтаётган йиғилишларда маҳалла оқсоқоллари икки ярим йил давомида амалга оширган ишлари хусусида ҳисобот бермоқда. Шу давр ичида кишилар ишончини қозонган оқсоқоллар қайта сайланаётир. Бугунга қадар Қорақалпоғистонда 95 фуқаролар йиғини раиси сайланди.

**(ЎзА)**

